

Бўз тумани

БЎЗ ТУМАНИ

Андижон вилоятидаги туман. 1950 йил 5 апрелда ташкил этилган. 1962 йил 24 декабрда Шахрихон туманига қўшиб юборилган. 1964 йил 31 декабрда қайта тузилган. Бўз тумани шимол, шимолий-ғарбда вилоятнинг Улуғнор тумани, шимолда Балиқчи тумани, шарқда Шахрихон тумани, жанубий-ғарбда Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани, жанубда Охунбобоев тумани, жанубий шарқда Қува тумани билан чегарадош. Майдони 0,20 минг км². Ахолиси 54 мингдан зиёд киши. Бўз туманида 1 шахарча (Бўз) ва 3 та қишлоқ фуқаролар йигини (Манноп Жалолов, Ховос, Холдевонбек) бор. Маркази – Бўз шахарчаси.□

Табииати: Бўз туманининг ер юзаси денгиз сатҳидан 500 м баланликдаги тексиликдан иборат. Туман худудининг ғарбий қисмида қўчма қум тепалари қўп. Тепаликлар орасидаги пастлик жойларда баъзан ботқоқликлар учрайди. Туман худуди 3 массивга бўлинган:□

- 1)Шарқий Ёзёвон массиви,□
- 2) Катта Фарғона канали массиви,
- 3) Улуғнор массиви.□

Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртacha харорати 0 даржаданминус 4 даражагача, июлники 24-28 даража. Йилига 200-300 мм ёғин тушади. Вегетация даври 210-220 кун. Туман хўжаликлари Катта Фарғона канали, Катта Андижон канали ва Шахрихонсойдан сугорилади. Ер ости сувлари юзада (баъзи жойларда 30-60 см) бўлганидан шўр ерлар қўп, қаттиқ арзиклар (ганчсимон тупроқли ерлар) бор. Ўзлаштирилмаган ерларда шўрлар ер бетига чиқиб ётади. Айrim жойларда ботқоқликлар вужудга келган. Тупроқ таркиби қумлок, ярим қумлоқ ва қумсиз, чиринди микдори 1,3-1,7 %. Шўрланмаган жойларда 0,04-0,6 сульфат ва хлорид кислота тузлари, шўрланган ерларда эса 1-1,2 % дан 3 % гача хар хил тузлар бор. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шўра, ажриқ, курмак, ғумай, қамиш, юлғун ва бошқалар ўсади. Ёввойи хайвонлардан тулки, хар хил илонлар, сувсар, сув хавзаларида балиқлар яшайди.□

БЎЗ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими: ИНОМЖОН СОЛИЖОНОВИЧ МАМАДАЛИЕВ

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айни бир вақтда худудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошкаради. Ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тоъгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.□

Телефонлар: 0 (374) 333-16-43 Факс: 0 (374) 333-11-42

Манзил: 170400, Бўз тумани, Акмал Икромов кўчаси, 52 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

 EXAT: boz.t@exat.uz //  E-mail: boz@andijan.uz

Мурожаатлар учун: 0 (374) 333-11-42 //  ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0 (374) 333-11-64

WEB Site: www.boz.andijan.uz

[БЎЗ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ](#) □ [НИЗОМИ](#) □